



Пиримқул Қодиров

ҲУМОЮН ВА АКБАР (Авлодлар довони)

Тарихий роман

Биринчи қисм: ҲУМОЮН

А Г Р А ҲАМИДА БОНУ АРОСАТДА

Ҳижрий 935-йилда* Аграга кўчиб келган Хонзода бегим ўн йилдан бери Ҳиндистонда истиқомат қилаётган бўлса ҳам, ханузгача бу ердаги йил фаслларининг ғаройиблигига ўрганолмайди. Унинг назарида, Агранинг кузи ва киши йўқ, баҳори билан ёзи эса йил бўйи давом этади. Кеч кузда, бегимнинг ёшлиги ўтган Фарғона водийсида, дарахтлар баргини дув тўкадиган хазонрезлик пайтида Агранинг ям-яшил хурмозорлари худди ёздагидек мева бериб туради. Қишда, Самарқанднинг мовий гўмбазлари оппоқ қор билан безанадиган пайтда Жамна бўйларида донли экинлар бошоқ тортади, тоқлар эса гулга киради. Хут ойининг охирида Тошкентда қиш қировлари энди тугайдиган кезде Ҳиндистоннинг жанубида эртаки узумлар пишади. Наврўз кирганда эса бозорга янги қовун чиқади ва ҳинд далаларида арпа ўрими бошланади.

Аградаги Зарафшон боғида баланд гулмоҳур дарахтлари бор. Бу дарахтлар наврўз арафасида бутун баргларини бирдан тўкади-ю, новдаларидаги шиғил ғунчалар бирваракайига очилади. Шунда япроқсиз новдаларнинг ҳаммаси йирик-йирик қизил гуллар билан қопланади. Улкан гулмоҳур дарахтлари қип-қизил гулханларга ўхшаб кўзни ёндиради. Шунинг учун бу ажойиб дарахтни оловли моҳур ҳам дейишади.

Мана шу гулмоҳурлар ёнидаги тиллакори толорда* ёши олтмишлардан ошган, сочлари оқариб, жуссаси кичик бўлиб қолган Хонзода бегим хомуш бир қиёфа билан ёлғиз ўлтирибди. Боғ жуда ораста, йўлкаларга олтинранг қумлар солинган, мрамар ариқлардан тиниқ сувлар жилдираб оқади. Чорчаманларда мамлакатнинг энг ноёб гуллари муаттар ҳид таратиб очилиб турибди. Лекин бу ҳаммаси Хонзода бегимга жуда омонат туюлади. Иниси Бобур қонли жанглarda барпо этиб кетган улкан давлат ханузгача ҳинд ерига теран илдиз отолган эмас. Фотиҳлик қиличининг яралари тезда тузалмас экан. Мамлакатнинг турли ўлкаларида Ҳумоюн ва унинг иниларига қарши кетма-кет исёнлар бўлмоқда. Шу хатарли вазиятда оға-инилар иноқ бўлиш ўрнига бир-бирлари билан чаплашиб, ҳокимият талашадилар. Хонзода бегим уларни мурсага келтиролмай қийналади. Ҳозир боғда ўлтирган пайтида ҳам, бутун хаёли оға-